

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
**№**  
**201\_\_\_ йил**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
201\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_ - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек адабиётшунослиги)”**  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

- Тузувчилар:
- “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н.,  
доц. В.Топилдиев.
  - “Илғор таълим технологиялари ва педагогик  
маҳорат” модули: филол.ф.д. А.С.Эркинов,  
к.ў. Г.А.Джаналиева, к.ў. И.А.Эшмаматов.
  - “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: филол.ф.н.  
Г.Холлиева, филол.ф.н. Т.Тоғаев, ўқ.З.Р.Рахмонов.
  - “Амалий хорижий тил” модули: филол.ф.н.  
Н.З. Нормуродова, к.ў. У.В. Каримова.
  - “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш  
асослари” модули: фалс.ф.д., проф. Р.Самадов,  
филол.ф.д., проф. Н.Рахмонов.
  - Маҳсус фанлар бўйича: филол.ф.д., проф.  
Ҳ.Болтабоев, филол.ф.д. проф. Б.Каримов,  
филол.ф.д. Ш.Турдимов.

- Тақризчилар:
- филол.ф.д., проф. Н.Каримов,
  - филол.ф.д., проф. Б.Тўхлиев

Ўқув дастури ТошДЎТАУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган  
(2016 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июндаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган) устувор йўналишлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, инновацион таълим технологиялари, ўқитишининг илғор хорижий тажрибаларини ўзида акс эттириб, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитишиш усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўнкма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда

тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кў尼克ма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қуидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик ҳужжатлари.

### **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Адабиёт фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

3.2. Ўзбек адабиётининг электрон-ахборот таълим ресурслари.

### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.

### **VI. Махсус фанлар**

6.1. Мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар.

6.2. Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари.

6.3. Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари.

### **VII. Педагогик амалиёт**

### **VIII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

- “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек адабиёти)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек адабиёти)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- мумтоз адабиётдаги тур ва жанрлар таснифи ва бадиий асар компонентларини;
- мумтоз поэтика асослари (ритмика, қофия, поэтик санъатлар) ва конпонентларининг таркибий таҳлилини;
- адабий-илмий мактаблар, уларнинг намояндларини;

- мумтоз бадиий матнинг талқини ва таҳлилини;
- янги ўзбек адабиётидаги мумтоз намуналарнинг жаҳон бадиияти хазинасидаги мақомини белгилашни;
- ҳозирги замонда фаннинг образи, фан тараққиётининг асосий босқичлари ва функциялари, фан тараққиётига оид ёндашувларни;
- муаллифга тегишли услублар тамойиллари ва бадиий асар шаклига доир ёндашувларни;
- дунё адабиётшунослигидаги энг самарали методларнинг индивидуал хусусиятларини;
- замонавий ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигидаги янгиланиш жараёнларини;
  - ўзбек фольклоршунослигининг тараққиёт босқичларини;
  - эпик мерос, маросим фольклори ва халқ лирикасига бағишиланган илмий тақиқотларни;
  - ўзбек фольклоршунослигига қўлланилаётган замонавий метод ва методологияларни ***билиши*** керак;

#### **Тингловчи:**

- мумтоз бадиий матнни талқин этиш ва унга структурал муносабатда бўлиш;
- бадиий матннинг поэтик хусусиятлари ва уларни таркиблаш жараёнини тушунтира олиш;
- мумтоз матнларни услубий таҳлил этиш ва адабий асар таҳлилидан адабий-назарий хулосалар чиқариш;
  - илмий таҳлил ва талқинда замонавий методологияни қўллаш;
  - бадиий матн таҳлилида структурал ва мумтоз поэтика тамойилларига амал қилиш;
  - бадиий асарнинг шакл компонентларини талқин қилиш;
  - адабиётшунослик методлари асосида бадиий асарларни таҳлил қилиш;
  - бадиий матнда муаллиф ва образ муносабатини аниқлаш;
  - бадиий асарни тушуниш ва тушунтириш;
  - адабий талқинга доир дунё адабиётшунослигидаги етакчи методларни қўллаш;
  - этнофольклористика, этноархеология ва фольклор асарлари таҳлилидан илмий-назарий хулосалар чиқариш;
  - фольклор асарларининг илмий таҳлил ва талқинида замонавий методологияни қўллаш ***кўникмаларига*** эга бўлиши керак.

#### **Тингловчи:**

- бадиий таҳлилда мумтоз матнга онтологик (тирик организм сифатида) ёндашувни амалга ошириш;
- услубий таҳлил жараёнида бадиий матн ва муаллиф услубига хос хусусиятларни аниқлаш;

- таҳлил жараёнида поэтик лексика, фонетика ва поэтик синтаксис имкониятларидан фойдаланиш;
- матнинг ритмик таҳлилида вазн ўлчовларини қўллай билиш;
- бадиий тасвир воситаларининг матнаги ўрни ва вазифасини аниқлаш;
- бадиий асар талқинида шаклий унсурларни фарқлаш;
- бадиий асарга ёндашувда дунё адабиётшунослигининг илғор методларини қўллаш;
- адабий талқинда герменевтик доирадан фойдаланиш;
- бадиий асарни психологик, психоаналитик методлар асосида баҳолаш;
- фольклор асарларининг тил хусусиятлари ва семантик сатхини аниқлаш;
- мифик образларнинг фольклор асарлари таркибидаги бадиий вазифасини аниқлаш **малакаларини** эгаллаши зарур.

### **Тингловчи:**

- адабиётшунослик тарихи ва назарияси юзасидан эгаллаган билимлари асосида адабиётшуносликдаги мумтоз тарихий ва назарий поэтиканинг ўрни ва бадиий таркиблаш жараёнини тушунтира олиш;
- бадиий асарларни таҳлил қилишнинг анъанавий ва янгича усулларини фарқлаш, мумтоз бадиий матнлар таҳлили орқали миллий мустақиллик гояларини тарғиб қилиш;
- адабий-бадиий таҳлил жараёнида мумтоз поэтиканинг ўрни ва амалий натижалари юзасидан илмий хуносалар чиқариш ва бадиий матнни мустақил таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш;
- адабиётшуносликнинг назарий-методологик асосларидан олган билимларини ўзбек адабиёти намуналарини талқин этишга йўналтириш;
- дунё адабиётшунослигидаги янги талқин ва таҳлил методларидан фойдаланиб ўзбек адабиётшунослигини бойитиш йўлида изланишлар олиб бориш;
- герменевтик метод билан шарқ мумтоз адабиётшунослигидаги талқин назариясини қиёслаш;
- фольклор тарихи ва назарияси юзасидан эгалланган билимлари асосида фольклоршуносликнинг ривожланиш босқичлари, тараққиёт тамойилларини тушунтириш;
- эпос, лирик кўшиқлар, маросим фольклори ва фольклорнинг бошқа жанрлари тадқиқи юзасидан амалга оширилган янги тадқиқотларни баҳолаш;
- фольклоршунослик фани ютуқлари, назарий умумлашмалари асосида замон талабларига уйғун долзарб муаммоларни кун тартибига қўйиш ва уни ҳал этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Курснинг ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

### **“Филология ва тилларни ўқитиши (адабиёт)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватаниздининг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

##### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган), 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчilarининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълимтарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълим мини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиши.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиши ва гуруҳни оптималь бошқариш. Педагог низоларни самарали ҳал этиши йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шартшароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### **2.2. Филология таълимида илғор хорижий тажрибалар.**

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба. Ривожланган Европа (Германия, Англия) ва Осиё (Япония, Жанубий Корея) давлатларида тил ва адабиёт соҳасида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларининг ташкил этилиши. Уларнинг илғор тажрибаларини ўзбек филологияси таълими тизимига татбиқ қилиш.

Филология таълими ривожланишига ҳисса қўшган соҳанинг етук хорижий олимлари (жумладан, Америка, Англия, Германия, Франция, Япония) ва улар томонидан яратилган илмий-назарий тадқиқотларнинг ўзбек адабиёти таҳлили ривожидаги ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти таълимидағи миллий ва хориж тажрибаларининг уйғун ва индивидуал хусусиятлари. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигидаги ўрни масалалари. Филология таълимининг халқаро тараққиёт тамойиллари ва истиқбол йўналишлари.

### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойихалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

#### **3.2. Ўзбек адабиётининг электрон-ахборот таълими ресурслари.**

Электрон-ахборот таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимидали маъruzалар категориялари. Мультимидали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар). Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон-ахборот таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишида адабиёт манбаларидан фойдаланишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичларида адабий асарлардан фойдаланиш.

Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни бадиий асарларни ўрганиш жараёнида қўллаш имкониятлари. Педагогик дастурий воситаларни адабий-бадиий матнлар таҳлили жараёнида қўллаш.

Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўкув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурсларидағи адабиётшуносликка оид материаллар билан ишлаш. Интернет тармоғида педагоглар ва талабаларнинг электрон мулоқот мұхитида иш юритиш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Адабиётшуносликка доир асосий илмий базанинг тармоқларда акс этиши.

Адабиётшунос олимларнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва қўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мұхити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил қўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўкув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўкув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

##### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим

структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертизи ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

## **5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.**

Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг мазмуни, кўринишлари ва асослари. Филологик тадқиқотларда тушунча ва тамойиллар тизими, адабий воқелик ва даврлаштириш тамойиллари, уларнинг ўзаро муносабати ва бирбирига боғлиқ жиҳатлари. Филология илмида тизимли таҳлилга муносабат: хронологик, оқимлар ва сулолалар алмашинуви бўйича даврлаштиришнинг фарқли жиҳатлари, филология илми тарихида даврлаштиришнинг асосий кўринишлари. Тилшунослик ва адабиётшунослик тарихида даврлаштириш тизимли таҳлилнинг асосий обьекти сифатида. Тил назарияси ва адабиётшунослик илми тарихида тизимли таҳлилнинг кўринишлари ва уларга муносабатлар, уларни таҳлил қилиш усуллари. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика→структурал поэтика→семиотика.

Навоий, Абулғози Баҳодирхоннинг адабиётшунослик ва тилшунослик тарихидаги роли. Адабий категорияларнинг барча давр адабиётида турлитуманлиги ва тизимли таҳлилга муносабати. Ҳар бир даврда лисоний элементларнинг ва адабий категорияларнинг ўзига хослиги – тизимли таҳлилнинг муҳим мезонларидан бири сифатида. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси: модернизм, постмодернизм.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар.**

Мумтоз поэтика манбалари ва улар асосида бадиий матнни таҳлил қилиш тамойиллари. Мумтоз поэтика масалалари илмий тизим сифатида. Илмий ва бадиий таҳлил ўртасидаги нисбат. Мумтоз бадиий матнни тизимли ўрганиш асослари. Мумтоз поэтиканинг шаклланишида асос бўлган концепциялар. Мумтоз бадиий матн таркиби ва уни таҳлил қилиш. Мумтоз бадиий матнга

хос хусусиятлар. Мумтоз адабиётшуносликда бадий шакл ва мундарижа муносабати ҳамда уларнинг компонентлари. Бадий шакл элементлари ва уларни таҳлил қилиш бўйича тавсиялар. Мумтоз тарихий поэтиканинг категориялар тизими. Структур таҳлил предмети. Бадий матнда тимсоллар тизимининг таҳлили. Мумтоз адабиётда поэтик тимсол ва унинг бадий матн таркибидаги ўрни. Мумтоз бадий матн сатҳлари ва уларни таркиблаш тамойиллари. Мумтоз поэтикада бадий нутқ. Поэтик лексика: мумтоз адабиётда поэтик лексиканинг хусусиятлари. Поэтик нутқ интонацияси ва фонетикаси. Шеъриятда вазн ва оҳангдорлик. Поэтик синтаксис. Синтаксис поэтик сатҳ сифатида. Насрий асарлар синтаксиси ва уларнинг таҳлили. Мумтоз поэтиканинг ритмик бирликлари таҳлили. Наср ритмикаси ва шеърий нутқда ритм (аруз ва бармоқ). Услуб тушунчаси ва услубий таҳлил вазифалари. Мумтоз матн лингвопоэтикаси ва структурал таҳлили. Мумтоз асарларнинг адабий тур жиҳатдан таснифи ва бир турдаги адабий асарлар таҳлили. Жанр ва шакл муносабати таҳлили. Мумтоз эпик асарлар таҳлили тамойиллари. Мумтоз шеърий матнни таркиблаб тушуниш ва таҳлил этиш тамойиллари. Мумтоз шеър шакллари ва уларнинг таҳлили методикаси.

## **6.2. Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари.**

Адабиётшунослик обьекти ва таркиби: бадий асар, ижодкор, назарий асарлар, адабиёт тарихига доир тадқиқотлар, адабий-танқидий асарлар. Адабиётшунослик методлари фаннинг таркибий қисми сифатида. Адабиётшунослик мактаблари.

Замонавий адабиётшунослик назарий методологиясининг замонавий адабиёт тажрибасига таяниши. Назарий-методологик асосда муайян дунёқарашнинг устивор бўлиши. Адабиётшуносликнинг бошқа фан соҳалари билан алоқадорлиги. Матн ритмикасининг статистик усулда табиий фанлар билан боғланиши.

Бадий асарга нисбатан ёндашувлар: социологик, гнесеологик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашув.

Адабиётшуносликда талқин йўллари, методларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Биографик методнинг талқин имкониятлари. Ижодкор ҳаётидаги маълум бир воқеа-ҳодисаларнинг унинг ёзган асарларида акс этиши. Биографик метод ва ўзбек адабиётшунослиги.

Психологик методнинг ўзига хос хусусияти. Бадий асар қаҳрамонлари руҳияти, психологияси ҳамда муаллиф руҳияти масалалари.

Психоаналитик ва феноменологик методларнинг инсон руҳияти билан боғлиқлиги. Адабиётшунослик илмида «формализм», «формал мактаб», «формал метод» каби атамаларнинг учраши. Бу тушунчаларнинг ўзига хос тарихи, адабий-назарий тамойиллари, асосчи-вакиллари, давомчи-намояндлари. Адабиётшуносликдаги формал методга шаклий-композицион

унсурларнинг муҳим назарий-эстетик категорияси сифатида қаралиши. Бадиий адабиёт индивидуал хусусиятининг шаклда ўз ифодасини топиши. Структурал-анализ методининг асослари ва намояндалари. Структурал-анализ методининг имкониятлари. Контекстни интертекстуал анализ қилиш масаласи.

Мустақиллик даври адабиётшунослигига янгича методлар. Объектга тарихий, миллий, умуминсоний, мустақиллик ғояси нуктаи назаридан ёндашув масалалари.

### **6.3. Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари.**

Фаннинг илмий-амалий аҳамияти. Фольклоршуносликнинг тараққиёт тамойиллари. Ўзбек фольклоршунослиги тарихида фольклор намуналарини йиғиш, архивлаштириш, оммавий ва илмий нашр тажрибалари. Қўлёзма манбаларнинг сақланиш ҳолати. Вариантлар ўртасида нодир намуналарни ажратиш. Архив материалларини компьютер хотирасига кўчириш. Ўзбек фолькоршунослигининг фан сифатида эришган натижалари. Фольклоршунослик фанининг тадрижий тараққиёт босқичлари. Маросим фольклори мезонлари. Мавсумий маросимлар тадқиқи. Оиласиий маросимлар бадиияти. Мехнат қўшиқлари тематикаси. Халқ лирикаси семантикаси. Қўшиқларда рамз ва тимсоллар. Қиёс ва қофиянинг қўшиқлар тизимидағи ўрни. Эпик мерос тадқиқидаги назарий қарашлар тадрижи. Достонлар генезиси. Образлар таҳлили. Этнос ва эпос муаммолари. Алп – поссионар шахс. Эпик бошлама семантикаси. Шажара ва эпик воқелик. Ўзбек мифологияси ва мифологик образлар тадқиқи. Эпос, эртак, қўшиқ ва миф. Мифологик тафаккур - бадиий эстетик тафаккур асоси. Замонавий метод ва методологиялар. Ўзбек фольклорининг тараққиёт босқичлари таҳлилида илмий-назарий хулоса ва ечимлар.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялар, илгор хорижий тажрибалар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими учун тавсия этилган хорижий адабиётлардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талabalар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. -176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т., “Ўзбекистон”. 2009.

### **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрдаги Давлат тили хақида” ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 152-сон қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
4. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
5. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
6. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
8. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
9. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
10. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
11. Шарқ мумтоз поэтикаси (тузувчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 1975.
12. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т., 2015.
13. Лотман Ю.М. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. – Санкт-Петербург, 1996.
14. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.
15. Каримов Б. Абдулла Кодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Akademnashr”. 2014.
16. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. –Т.: «Шарқ» нашриёти, 2004.
17. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т.: “Академнашр”. 2011.
18. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.
19. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi -T., O'qituvchi. 2005.

20. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: «Высшая школа», 1999.
21. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор, адабиёт. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
22. Жўраев М: Фольклоршуносликка кириш. Ўкув қўлланмаси. –Т.: ТДМИ, 2008.
23. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. (Назарий курс матни). - Т.:199.
24. Мирзаев Т: Эпос и сказитель. – Т.: Фан. 2008.
25. Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алномиш” достонининг изоҳли луғати. -Т.:2007.
26. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Т.: Фан, 2011.
27. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси, -Т.: “Ўзбекистон ” 2016.
28. Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. –Т.: “Фан” 2006. Б-128.
29. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. –Т.: Фан, 2012. 304-б.
30. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 1–8-жилдлар. Тошкент: Faфур Fулом, 2015, 2016.
31. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
32. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. Unesco, dec. 2012. I, 4.
33. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2066.
34. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
35. Ruwet N. L’analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.
36. Analyse structural d’un poeme francais // Linguistics, 3, janv. 1964.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
8. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
9. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
10. [www.ziyo-net.uz](http://www.ziyo-net.uz)
11. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
12. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор\_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимқулов  
201\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_  
М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Олий таълим муассасалари Бош  
бошқармаси

Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ И.У.Мажидов  
201\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор \_\_\_\_\_ Ш.С.Сирожиддинов  
201\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети ҳузуридаги педагогик кадрларни  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
oshiриш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Т.М.Тоғаев  
201\_\_ й. “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_  
М.Ў.